

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2017  
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>О.АҲМАДЖОНОВА</b>	
“Чинор” романи композициясидаги ўзига хосликлар .....	64
<b>М.ЖУРАЕВА</b>	
Бадиий адабиётда мутелик психологияси .....	66

#### ТИЛШУНОСЛИК

<b>Ш.ТОШХЎЖАЕВА</b>	
Бадиий нутқда риторик сўроқ гаплар ва уларнинг лингвопоэтик тадқиқи .....	69
<b>Э.ИБРАГИМОВА</b>	
Баҳонинг предмет ва белги ёрдамида ифодаланиши .....	73
<b>Г.РОЗИҚОВА, У.ФАРМОНОВА</b>	
Қўшма гапларга хос шакл ва мазмун номутаносиблиги .....	77
<b>В.АМАНОВ</b>	
Қадриятлар тизимида миллий, маданий ва лисоний дунёқараш .....	80
<b>Д.ЮЛДАШЕВА</b>	
Синтактик такрорларнинг бадиий-эстетик имкониятлари .....	83
<b>Н.ҒОФУРОВА</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида мақол ва маталларнинг лингво-когнитив асослари ва уларнинг структурал-семантик жиҳатлари .....	86
<b>Г.ЖУРАБОЕВА</b>	
Тарихий топонимларнинг шаклланишида апеллятивларнинг ўрни .....	88
<b>Р.АХРОРОВА</b>	
Тилнинг концепт доирасини ўрганиш муаммолари .....	92

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>Ж.ОТАЖОНОВ, Ф.МАХМУДОВА, М.РАЙИМЖОНОВА</b>	
Бошланғич таълим педагогларининг педагогик жараёнда руҳий ёндашув масалалари .....	95
<b>Ҳ.ҒАНИЕВА</b>	
Таълим-тарбия жараёнида ўсмирлар хулқ-атворини намоён бўлишининг ижтимоий-психологик аспекти .....	98

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.АБДУМАННОПОВ</b>	
Интеграл операторлар қатнашган иккинчи тартибли ўзгармас коэффициентли дифференциал тенглама учун чегаравий масала .....	103
<b>Ш.ОХУНЖОНОВА</b>	
Оғзаки тарихни ёзма тарихга айлантириш жараёни ҳақида .....	106
<b>М.ОМОНОВ, З.БОТИРОВА</b>	
Арабча синиқ кўплик вазнидаги ўзлашма сўзлар ва уларнинг семантик хусусиятлари .....	109
<b>О.ҲУСАНХЎЖАЕВ</b>	
Мақолларда қиёслаш, зидлаш муносабатини ифодалашда сонларнинг аҳамияти .....	111
<b>Н.УРИНОВА</b>	
Бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш йўллари .....	113
<b>Н.АБДУЛАЗИЗОВА</b>	
Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида зарарли одатларнинг олдини олишнинг педагогик-психологик асослари .....	115

#### ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Сўхлик биринчи олим .....	116
---------------------------	-----

#### ХОТИРА

<b>Мадаминбек Хотамович АҲМЕДОВ</b> .....	117
<b>Эркин Мўйдинович ТУХТАСИНОВ</b> .....	117

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ИЖТИМОЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Н.Ўринова

### Аннотация

Мақолада ижтимоий компетентликнинг моҳияти, бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантириш босқичлари, тамойиллари ва методлари ёритиб берилган.

### Аннотация

В статье рассматривается сущность социальной компетентности, анализируются компоненты социальной компетентности педагога, их сущность характеристики, уровни и этапы развития.

### Annotation

The article considers the social competence of an educator as one of the main components of his/her professional activity. The educator social competence components, their essential characteristics, levels and stages of development had been analyzed.

**Таянч сўз ва иборалар:** компетентлик, ижтимоий компетентлик, компетентликни шакллантириш босқичлари, тамойиллари ва методлари.

**Ключевые слова и выражения:** компетентность, социальная компетентность, этапы формирования компетентности, принципы и методы.

**Key words and expressions:** competence, social competence, social competence components, their essential characteristics, levels and stages.

Бугунги кунда таълимни модернизациялаш вазифаларидан бири педагог кадрларни касбий-инновацион компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Компетентликнинг моҳияти, унинг таркибий компонентлари, шакллантириш омиллари ва шарт-шароитлари, компетентлик турлари ва уларнинг классификацияси, касбий ижтимоий ҳаётда компетентликнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш педагогика фани олдида турган долзарб муаммолардир.

Адабиётлар таҳлили компетентлик тушунчасининг турли талқинлари ҳақида қуйидаги хулосаларни шакллантирди:

– компетентликка шахс сифати, деб қаралиши (А.В.Адольф, Р.Х. Папарин);

– компетентлик–инсоннинг хулқ атвори ва квалификацияси (Е.Б.Арцишевская, М.К.Кабардов);

– компетентлик – таълим олганлик даражаси (Г.Н.Сириков, А.Д.Щенатунов);

– компетентлик – билим, кўникма, малака ва қадриятларни эгаллаганлик, йўналганлик, нуқтаи назар ва бошқалар (Т.К.Браже, А.К.Маркова, Н.В.Кузьмина, М.А.Чошанов);

– компетентлик – касбий соҳада таълим олганлик даражаси ва тажриба (Б.С.Гершунский);

– компетентлик – талаб бўйича инсоннинг хатти-ҳаракатлари (Д.Ж.Равен) [1-2];

– компетентлик атамаси лотинча “competo” сўзидан олинган бўлиб, “эришаяпман, муносибман”, деган маънони англатади ҳамда маълум соҳадан хабардорлигини, билишини ва тажрибага эга эканлигини билдиради (ЎЗМЭ, 2002).

Компетентлик – компетенцияга эгалик. Одатда компетентлик тушунчаси бирор-бир соҳада чуқур билимга эгалик деб таърифланади. Бу, асосан мутахассисни, касбий соҳада чуқур билим ва квалификацияга эга бўлишидир. Бунда нафақат билим, балки тажриба ҳам назарда тутилади. Шундай қилиб, компетентлик – бу, билим, кўникма ва малакалар; инсоннинг маълум бир талабга жавоб бериши, белгиланган кўрсатмалар асосида ҳаракатланиши; бирор-бир соҳада продуктив ҳаракатланиш натижасида долзарб масалаларнинг самарали ечимини топишдир.

Жамиятда инсоннинг ижтимоий субъект ва шахс сифатида фаолият олиб боришида ижтимоий компетентлик муҳим ўрин эгаллайди.

Бу касбий компетентликнинг бир йўналиши ёки касбий фаолиятнинг асосий элементидир. Ижтимоий компетентлик – ўзини англаш, ўқувчилар хулқ-атвори ва ҳис-туйғуларини тушуниши; ўқувчилар билан мулоқот қилишда тўғри қарор қабул қилиш билан боғлиқ билим, кўникма ва малакалар

Н.Ўринова – ФарДУ, педагогика фанлари номзоди, доцент в.б.

йиғиндисидир.

Педагогнинг ижтимоий компетентлиги моҳияти куйидаги жиҳатларни қамраб олади:

1. Педагог шахснинг ижтимоий йўналганлиги (А.Маслоу); болаларга меҳр-муҳаббат ва мулоқотга эҳтиёж (Л.М.Митина); ҳар бир болага қадрият сифатида қараш (К.Роджерс).

2. Педагогнинг индивидуал хусусиятлари, унинг руҳий ҳолати, атрофидаги инсонларни қабул қила олиши.

3. Касбий “Мен-концепцияга” эғалик.

4. Рефлексив ва перцептив билим, кўникма, малакалар йиғиндиси. (ўзининг индивидуал – психологик хусусиятларини англаганлиги, ўзининг ҳолати ва хулқ-атворини баҳолай олиш; ўқувчиларни ҳар томонлама ҳис қилиш ва тушуна олиш).

5. Психологик-педагогик билим, кўникма ва малакалар: коммуникатив билим, кўникма ва малакалар; педагогик мулоқотга асос бўлувчи ўқувчиларнинг психик ривожланиш хусусиятларини аниқлаш ва ажратишга оид билим ва кўникмалар;

6. Дидактик жараён ва дидактик мулоқотни ташкил этиш билан боғлиқ педагогик билимлар.

Ўз тадқиқот ишимизда бўлажак ўқитувчиларда ижтимоий компетентликни шакллантиришнинг беш босқичини шартли равишда келтирамиз:

1. Бўлажак ўқитувчилар томонидан ижтимоий-маданий қадриятларнинг англаганлиги.

2. Ижтимоий-маданий қадриятларни эгаллаганлик.

3. Ижтимоий-маданий қадриятларни ўзлаштириш.

4. Эгалланган ва ўзлаштирилган қадриятларни ўзининг касбий фаолиятида қўллай олиш.

5. Ижтимоий-педагогик ижодкорлик.

Англаганлик ва ўзлаштирилганлик – бу, бошланғич босқич, яъни когнитив компонент, ижтимоий-педагогик амалиёт соҳасида эгалланган билимлар.

Ўзлаштирилганлик ва қўллай олиш ижтимоий-педагогик соҳада индивидуал шахсий тажриба, ижтимоий-педагогик борлиққа ўз муносабатини ишлаб чиқиш кўникмаларини англатади [1].

Педагогнинг ижтимоий-педагогик компетентлигини шакллантиришга куйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

– бўлажак педагогнинг касбий фаолиятга мотивацияси;

– шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари;

– шахсни ўз-ўзини баҳолай олиш кўникмалари.

Педагогда ижтимоий педагогик компетентликни шакллантириш учун таълим жараёнини куйидагича ташкил этиш зарур:

– Ўқитиш жараёнидаги ижтимоий муносабатлар, яъни ижтимоий-дидактик жараён, педагогнинг касбий ижтимоий муносабатларига мос ва уйғун ҳолда ташкил этилиши керак. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда таълим жараёни коммуникатив, ҳамкорлик, интерфаол хусусият касб этиши керак. Бундай жараённи ижтимоий-таълимий жараён, деб юритиш мумкин [3-4].

#### Адабиётлар:

1. Количева З.И. Социальная компетентность педагога в свете модернизации образования. // Народное образование, № 6, 2003.

2. Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация. / Пер. с англ. – М.: Когито-Цент, 2002.

3. Мудрик А.В. “ Социальная педагогика”, учебник для студентов пед.вузов (под.ред. В.А. Слостёнина). – М., 2000.

4. Фельдштейн Д.И. Психология взросления: структурно-содержательные характеристики процесса развития личности: Избр. труды. – М., 1999.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).